O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 12 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 29 (7224)

Da'vat

Билганларимизнинг чеки бор, билолмаган нарсаларимизнинг эса ҳададоғи йўқ.

Пьер ЛАПЛАС

Ibrat

Хива шаҳридаги 9-ўрта мактабда туғма ногирон болалар учун махсус синф ташкил этилди ва бу ерда таҳсилни бошлаган болаларни мактабга олиб келиш ва дарслардан кейин уйларига олиб бориб қўйиш учун "Дамас" машинаси ажратилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 апрель куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди.

• Кеча Тошкентда очилган "Ўзэкспомарказ"да "Соғлиқни сақлаш — 2000" халқаро тиббиёт кўргазмасида Ватанимиз ва хориж мамлакатларининг доридармон воситалари ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ компаниялар иштирок этмоқда.

• 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Навоийда яна бир хайрли ишга қўл урилди: аждодлар ёдини абадийлаштириш мақсадида Навоий шаҳрида Хотира майдони қурилиши бошланди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг "Хамар" Халқаро алоқалар марказида Тошкент шаҳри бўйича "Ташаббус—2000" анъанавий тадбиркорлар танлови ўтказилди, унда пойтахтдаги 255 корхона иштирок этди.

• Японияниг янги Бош вазири Иосиро Мори Россиянинг яқинда сайланган Президенти Владимир Путин билан учрашиш истаги борлигини айтиб, шу мақсадда апрель ойи охирида мазкур мамлакатга боришини маълум қилди.

• АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий авиациясининг зарбаси натижасида Ироқ жанубида 14 киши ҳалок бўлди, 19 киши жароҳатланди.

• Покистонда собиқ бош вазир Навоз Шариф устидан олиб борилган судлов жараёни ниҳоясига етди, у террорчилик ва самолётни ишғол қилишга уринганликда айбланиб, бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

• Мўғулистон чегара хизмати маълумотига қараганда, Россия билан чегарадош ҳудудларда юз бераётган жиноятчиликнинг 75 фоизи уй ҳайвонлари ўғирлигидан иборатдир.

ОРИЯТ
Бор жойда Йўқ жойда
3-бет

Сергей Шетинин Тошкент шаҳридаги 253-мактабнинг 7 - "Б" ўзбек синфида ўқийди. Унинг отаси Сергейнинг ўзбек тилида нафақат сўзлаша олишини, балки бу тилнинг тилсимотларидан, мўъжизаларидан ҳам баҳраманд бўлишини хоҳлайди.

Айни пайтда Сергейнинг синфдошлари билан мулоқотида ҳеч қандай муаммоси йўқ.

Суратда: Сергей ўртоқлари билан ўзбек тилида гапларни грамматик таҳлил қилишни ўрганаётган пайт.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Fikr, mulohaza, taklif

БИЛИМ МАҚСАДМИ, ВОСИТА?

ёхуд ахлоқни баҳолаш ҳақида ўйлар

Одамзод учун маънавиятга интилиш ва маънавият сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш — буюк бахт. Зеро, тарихимизнинг мустамлака даври асоратлари ичида энг аянчлиси ҳам комилликка элтувчи миллий маънавиятимизнинг завол топганлиги бўлди. Башариятга намуна бўлгудек қадриятларимиз, воқелик ва табиатга, бошқа халқларга, Ватан ва миллатга, хешу акраболар, дўсту душманга бўлган муносабатларимиз, фазилатларимиз топталгани унутилганидан диллар ўртанмоқда. Ғурур жунбушга келмоқда.

Шукроналар бўлсинким, истиқлол шарофатила миллий қадриятлар тадрижийлиги қайта тикланиб, ёшларнинг асл маънавият сари интилиши учун имкониятлар яратилмоқда. Бошқарув тизимининг барча бўғинларида маънавият ишларига масъул лавозим жорий қилингани ҳам масаланинг нақадар муҳим ва долзарб эканлигини аён этиб турибди.

2000 йилнинг Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши эса юқоридаги ишларни янада жадаллаштиришга даъват деб тушунмоқ лозим. Дарвоқе, "Соғлом авлод" тушунчаси бутун мавжудот сарвари — инсонга татбиқан аввало маънавий баркамолликни англатади. Шахснинг маънавий дунёси эса унинг турмуш тарзини белгилайди ва бунинг натижасида жисмоний соғломлик кафолатланади. Яқинда Президент Ислом Каримовнинг миллий мафкура масаласи бўйича зиёлилар иштирокида ўтказган йиғилиши масаланинг долзарблигига яна бир ишорадир.

Хўш, шахснинг маънавий дунёси қандай шаклланади?

Китоб қуёш бўлса, мактаб
бир бўстон,
Унда камол топар,
ҳақиқий инсон, —

деганларидек, барчамиз мактаб аталмиш маънавият бўстонида камол топамиз.

Камол топиш жараёнининг унутилмас онлари умр поёнига қадар гоҳ ифтихор ила, гоҳида афсус, надомат ила эсланади.

Ким эдим, ким бўлдим дея ўйга толган вақтлар бўлади. Сўнг содир этилган хатолардан ўзгаларни огоҳ этиб, мушарраф бўлган яхши амалларимизга даъват қиламиз. Булар комиллик белгиси, маънавият шарофати. Шахс шу даражага эришгунича қанча-қанча азият топти, заҳмат чекди. Бу заҳматни ўлчаб бўларми-кан? Бўлса, уни қандай ўлчаш мумкин каби саволлар хаёлимдан кетмайди. Гап беминнат тарбиячи, мураббий заҳмати ҳақида бораётганини англагандирсиз?

(Давоми 2-бетда)

Jarayon

ИЛМИЙ МАКТАБ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Республикасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида туб бурилиш даври кечмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосини мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ташкил этади.

Бугун кўпгина мамлакатлар томонидан эътироф этилаётган мазкур дастур такрорланмас бўлиб, тарихий тажриба, юртимиз таълим амалиёти ҳамда ривожланган демократик мамлакатларда тўпланган тажрибага ҳамда ютуқларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Шу ўринда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида бошқа йўналишлар қатори педагогика фани мазмунини такомиллаштириш, бойитиш тақозо этилди. Яқинда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ихтисослашган кенгашида "Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари" мавзуида ҳимоя этилган докторлик диссертацияси алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий иш муаллифи Шавкат Қурбонов «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмуни, мақсад ва вазифаларини теран ва изчил таҳлил этиш натижасида унинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ҳамда назарий-методологик жиҳатларини аниқ тизим асосида баён этган. Шу қатори, ушбу масала мустақил давлатимизнинг бевосита умумий ҳаётий ривожи, истиқболи заминида таҳлил этилиб, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ижтимоий-иқтисодий истиқболлари, келгуси тараққиётига назарий жиҳатдан ёндашилган.

Хўш, педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ҳимоя этилган мазкур докторлик диссертациясининг моҳияти нимада?

Биринчидан, диссертацияда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни бир бутун тизим сифатида ўрганиш мақсад этиб олинган. Бу бежиз эмас, албатта. Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг тўб моҳияти ва ўзига хос хусусияти унинг таркибий бир бутунлиги бўлиб, уни зарурий таркибий қисмлари сифатида шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш киритилган.

Диссертацияда юқорида санаб ўтилган ҳар бир ташкил этувчи ўзаро боғлиқликда ва алоҳида олинган ҳолда, шунингдек, мамлакатимиздаги ва жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар тажрибаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Иккинчидан, диссертацияда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижросининг таҳлили асосида илмий изланишлар янги йўналишларини шакллантириш имкониятлари очиб берилган. Таълим мазмунини аниқлаш ва шакллантириш, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, тарбиявий ва маърифий ишлар мазмунини такомиллаштириш, уларни жорий этишнинг замонавий, самаралари механизмларини ишлаб чиқиш, узлуксиз таълим тизими учун ўқув-методик комплексларнинг янги авлодини яратиш, кадрлар тайёрлаш сифатини холисона баҳолаш воситалари ва услубларини аниқлаш ва бошқа қатор масалалар шулар жумласидандир.

Учинчидан, диссертацияда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш масалаларига оид ишларни илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этишга боғлиқлиги алоҳида таъкидланиб, илмий-назарий ҳамда амалий тавсиялар берилган ва хулосалар қилинган.

Ушбу дастур нафақат педагогика фанлари соҳасида, балки жамиятимизнинг ижтимоий соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни бир бутун ҳолда ўрганилишини тақозо этади. Шу боис ундаги ғоялар мазкур соҳада илмий мактаб яратилишига асос бўлиб қолаверади.

Шак-шубҳа йўқки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларнинг ижроси жамиятда онгли, янгича фикрлайдиган, эътиқоди мустаҳкам, иродали, ватанпарвар шахсни, баркамол авлодни тарбиялашни таъминлайди.

Рустам АҲЛИДДИНОВ,
педагогика фанлари номзоди

Ўқитувчи ёш дафтарига

ҲУЖАЙРА ТОПИЛДИ

Канада олимлари томонидан кўзнинг ҳимоя пардасида янги асаб хужайраларига айланиб, ривожланиш қобилиятига эга бўлган ва ҳали фанга маълум бўлмаган бошланғич ҳужайралар топилди. Олимларнинг фикрича, мазкур ҳужайралар ҳаракатини тўла ўрганиб чиқиш кўз касалликларини даволаш имконини беради.

КОЛУМБДАН ОЛДИН

Даллас университети антропологи Роман Христов қадимги римликлар Америка қитъасига Колумбдан олдин ташриф буюрган бўлишлари мумкинлигини таъкидламоқда. 1933 йилда Мехико шаҳри ҳудудидан топилган қадим юнон-рим маданиятига тегишли бўлган ҳайкалча олимнинг ўз фикрини тасдиқлайдиган ягона далилидир.

ЎТТИЗ МИНГДАН ОРТИҚ

Маълум бўлишича, Африкада биргина 1998-1999 йиллар ичида ўттиз мингдан ортиқ фил йўқ қилинган. "Бон фри" ёввойи ҳайвонларни ҳимоялаш жамғармаси ахборотига қараганда, филларни ўлдириб, суягини бозорга чиқариш маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаи бўлиб қолмоқда.

ҲАРОРАТ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТИДА

Жаҳон ёввойи табиат жамғармаси мутахассислари сайёрамиз ҳароратининг ошиб бориши Арктика минтақасидаги қушлар ҳаётига жиддий хавф солмоқда, деган хулосага келишди. Уларнинг фикрича, ер юзидаги умумий ҳароратнинг ўзгариши оқибатида миллионлаб қутб қушлари қирилиб кетиши мумкин.

Ta'limdagi muammolar

ФИЗИКА ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛАДИ?

Табиат жумбоқлари қаршисида инсон лол қолган. Лекин бу ҳодисаларни илмий ва амалий жиҳатдан талқин қилиш қадимқадимдан мавжуд эди. Масалан, улуғ аллома Улуғбекнинг "Зижи Кўрагоний" асарида вақтни соядан (оптик усул билан) аниқлаш масаласи қўйилган. Беруниийнинг минералар солиштирма оғирлигини ўлчаш усули жуда кўп илмий лабораторияларда қўлланилиб келинмоқда.

Хўш, бу ҳақда биз, ўзимиз биламизми? Афсуски, йўқ.

Самарқанд Давлат университети базасида "Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимларида физикани ўқитиш «муаммолари»га бағишланган икки кунлик илмий-амалий анжуманни очар экан, университет ректори, Олий Мажлис депутати Рустам Холмуродов кўзда тутилган мақсадга тўхталди.

Кейинги йиллардаги таҳлил физика фанидан абитуриентларнинг билим даражалари анча паст эканлигини кўрсатмоқда. Бу абитуриентларга ҳавола этилаётган тест саволларининг анчайин мураккаблиги билан ҳам қисман боғлиқ. Фанларнинг қийинлик даражаси ҳар хил бўлишига қарамай, улар учун ажратилган вақт бир хил.

Демак, физика фанини ўқитишда оқсайдиган жиҳатлари кўп. Анжуман қатнашчилари шўъбаларга бўлиниб, иш олиб бордилар. Ҳавола қилинган 144 та маъруза таҳлили шуни кўрсатдики, физика таълимида ютуқлардан кўра камчиликлар кўпроқ экан. Маърузаларнинг ҳаммасида ҳам юракка "жиз" этиб тегадиган қайсидир муаммо кўтарилди.

Чунончи, М.Мамадазимовнинг "Умумий таълим мактабларида физика ва астрономияни ўқитишга интегратив гуманитар ёндашиш" мавзусидаги чиқишида бир-бирига яқин бўлган предметларни бирлаштиришнинг педагогик афзаллиги, ўқув материалларидаги такрорийлик рўйирост кўрсатилди. Бу эса ўқувчининг фанга қизиқишини маълум даражада сусайтиради. Интегратив ўқитишнинг афзаллиги шундаки, космонавтика, экология ва энергетик муаммоларни ечишда табиий фанларни инсонпарварлаштириш риштра вазифасини ўтайди. Бу эса таълимни тарбия билан уйғунлаштириш дегани ҳамдир.

Эркин фикр айтишга ҳар биримиз ҳақлимиз. Зеро, фикрлар хилма-хиллигига ҳеч ким қарши эмас. Лекин Самарқандда бўлиб ўтган йиғин иштирокчиларининг фикри бир жойдан чиқди. Яъни физика ўқитишдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга киришиш керак. Буюк аждодларимиз — Беруний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Улуғбекларнинг ҳаётини ўрганиш билан кифояланмасдан, улар моҳиятини англаб етиб ва ёзиб қолдирган қонунларни дарсликларга олиб кириш лозим.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Taqdimot

МУНОСИБЛИК

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан таъсис этилган стипендия совриндорларини тақдирлаш маросими Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб ўтди. Уч йўналиш — тарих, тасвирий санъат, амалий санъат соҳаларида Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари ҳамда Бадиий Академия ушбу кўрик-танловга ўзининг энг муносиб вакилларини тавсия этган эди. Булар орасида 1-Самарқанд педагогика билим юрти 3-курс талабаси Ҳилола Раҳмонова (тарих), Қарши санъат билим юрти 2-курс толиби Ҳусан Зиёвуддинов (тасвирий санъат), республика тасвирий ва амалий санъат билим юрти 2-курс талабаси Асрор Ҳақназаровлар (амалий санъат) 2000 йилги "Амир Темур стипендияси"нинг совриндорлари деб тан олиндилар ва пул мукофоти билан тақдирланишди. Шубҳасиз, муносиблик уларни янги ютуқлар сари илҳомлантиради.

Шунингдек, "Амир Темур стипендияси" учун 2000 йил ўтказилган кўрик-танловда ўзларини ҳар жиҳатдан кўрсатган бошқа талабаларга ҳам жамғарманинг фахрий ёрлиқлари ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлари топширилди.

МУХБИРИМИЗ



Суратда: «Амир Темур стипендияси» совриндори Ҳ.Раҳмонова.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ҲАР БИР КУНИМИЗ НАВРЎЗ

Республикамизнинг турли ўқув юртларида, таълим муассасаларида Наврўз байрами тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Худди ана шундай тадбир Тошкент молия институти қошидаги республика молия лицейида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирни лицей директори Тошниёз Аҳмедов очиб, йиғилганларни байрам билан чин дилдан қутлади. Тўкин дастурхон атрофида қўшиқлар рақсларга уланиб кетди. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган саҳна асарларини намойиш этдилар. Кечага халқимизнинг севимли сўз усталари Ҳожибой Тожибоев, Абдулла Акбаров ва «Муштум» журнали бош муҳаррири, ҳажвчи Ашурали Жўраевлар файз киритдилар. Байрам дастурхонига ўқувчилар томонидан тайёрланган сумалак тортилди.

Сарвар МЎМИНОВ,
республика молия лицейининг 11-синф ўқувчиси

Етмиш ёшида малака оширишга келган домла
3-бет

Шахс ниҳоятда мураккаб биоижтимоий организмдир, у доимо ўзгаришда, ривожланишда, баъзиларида қисқа муддатли ўзгаришни пайқаш мумкин.

"Зиё ота" фермер хўжалиги ўтган йили тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 120 нафар фарзандига 400 минг сўмликдан зиёд дарслик ва ўқув анжомлари, мактаб формалари, кийим-кечаклар ҳадя қилди.

БИЛИМ МАҚСАДМИ, ВОСИТА?

ёхуд ахлоқни баҳолаш ҳақида ўйлар

(Боши 1-бетда)

Яқинда Тошкент туманидаги 2-мактабда бўлдим. Одатдаги баҳорги таътил. Мактаб ўқувчилардан ҳоли. Аммо устозларнинг аксарияти ўқувчиларнинг фанлардан чорак бўйича ўзлаштириш даражасининг сарҳисоби устида бош қотиришмоқда. Кимдир бир ўқувчининг тарбиясидан нолиб сўзлар, бошқа ҳамкасби ўша ўқувчининг билимдонлигини таъкидлаб, уни аълочилар сафига қўшиш тарафдори. Билимга тегишли баҳони маънавият боис пасайтириш педагогик тажрибасизлик, дея дашном берарди. Яна кимдир ўқувчилардан бирининг хулқи синф журналида "намунали" баҳоланганлигига қарши сўзларди. Хуллас, тарбияшуносликнинг ўқ илдизига дахлдор муҳим ҳаётий муаммо — ўқувчининг тарбияланганлик даражаси(маънавияти)ни баҳолаш устида баҳс борар эди-ю, аммо бемор дардини аниқлай олмаётган шифокорлар сингари мураббийлар бир тўхтамга келолмай изтироб чекишарди. Мавридан фойдаланиб, ечими поёнсиз муаммо — ўқувчи онгшуурига маънавиятни сингдириш механизми бўйича шахсий қарашларимни қоғозга туширмоққа жазм қилдим.

Дарҳақиқат, таълим муассасаларида ўқувчига берилаётган билим сифати бўйича турли-туман маълумотнома, ахборот, ҳисоботлар талаб қилинади. Ва, шунга ҳамоҳанг, ўқувчилар билимдонлигини аниқлашнинг ташкилий, методик тадбирлари ҳам хилма-хил.

Аммо таълим муассасаси фаолиятида болага билим беришдан-да муҳимроқ ва қийинроқ бўлган — ўқувчи шахсини тарбиялаш, камол топтиришдек фаолият натижаси назардан четда қолади, демакки, муносиб қадрланмайди. Ўқитувчи фаолияти аттестациясими, муассаса аккредитациясими ёки таълим муассасаси ҳисоботими, қўйингки, таълим жараёнига тегишли исталган ахборотни олмайлик, унда аъло баҳога ўқиётганлар ҳамда билимдонлик бўйича турли мусобақа ва танловларда эришилган совринлар сони ва мактабни битирганлардан қанчаси олий ўқув юртига кирганлиги алоҳида таъкидланади-ю, лекин ахлоқий етуклиги, миллат руҳи, фазилати, миллий мафкурага содиқлиги умуман маънавий дунёси бўйича намуна ўқувчилар ҳақида лом-мим дейилмайди. Ҳолбуки, инсон яралибки, зурриёти тарбияси ҳақида қайғуриб келади. Зеро, тарбия одамзодни ҳайвонот оламидан фарқлантирувчи сифат, зийнат. Ҳа, шунинг учун ҳам "Бола азиз, одоби ундан азиз" деймиз.

Тамаддун (цивилизация)нинг илк босқичларидаёқ ҳаётий зарур нарсаларни табиатдан қандай ола билиш ва мулоқот усуллари авлоддан-авлодга утказилган. У замонларда воқелик ва табиатга оид билимлар мулоқот қуникмаларига қоришма ҳолда "тарбия" тушунчасида мужассамлашган.

Билимлар кўлами ортиши ва чуқурлашиши билан аксарият ҳолларда билим тарбия тушунчасидан айри сифат — устувор фазилат тарзида талқин қилинган.

Тўғри, билим шахсни жисмоний имкониятидан ортиқ ишларга ҳам қодир қилади. Шахс бу имкониятдан эзгу ниятда фойдаланса — у жамиятга наф келтиради. Билимдону аммо тарбиясиз, имон-эътиқодсиз шахс жамият учун анчайин хатарлидир. Чунки, "у фақат ўз манфаати ҳақида ўйлайди. Ватан манфаати учун бирон нарсани (жони у ёқда турсин) қурбон қила олмайди. У худбиндир, унда фидоийлик, Ватанга муҳаббат, миллат ғурури каби хислатлар мавжуд эмас. У ота-бобосининг қандай хислатларга эга булганлигига бефарқ. Муҳтожларга ёрдам бермайди ва ҳоказо... Чунки унда бундай тарбия шаклланмаган.

Демак, навбатдаги вазифа, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг энг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этишдир" ("Баркамол авлод орзуси", Т., 1999, 139-бет).

Қадимда устоз шогирдига муайян касб-ҳунар ургатар экан, унинг тарбияси — маънавиятига ҳам масъул булган. Шогирд касбни мукаммал эгаллагани ҳолда устози унинг имон-эътиқодидан қаноатланмаса, мустақил фаолият бошлаши учун "оқ фотиҳа" бермаган.

Ҳозирда эса диссертация ҳимояси бўйича илмий даража берувчи илмий кенгаш қарори икки банддан иборат булиб, бири илмий салоҳиятни ифодаласа, иккинчиси диссертантнинг маънавияти — эътиқодини ифодалайди. Аммо, илмий тадқиқотдан қаноатланилса-да, диссертантнинг маънавият гариблиги боис илмий даража берилмагани шу вақтгача кузатилмади. Бироқ мансаби ва илмий унвонидан фойдаланиб, фидоий илм соҳибларига тўғаноқ бўлаётган, шуҳратпараст, ахлоқсиз олимлар, афсус, учраб турибди.

Эҳтимол, шахснинг ва умуман инсониятнинг ривожланганлигини у нималарга қодирлигидан кўра руҳий баркамоллигига қараб белгиламоқ лозимдир. Билъакс, комилликнинг юқоридаги икки қутбидан қайсиниси мақсад, бирламчилиги хусусида бир тўхтамга келинмаган. Демак, бу борада мукаммал фикр юритадиган бўлсак, бутунлай бошқа узанга тушиб кетилади. Келинг, уни алоҳида муаммо сифатида махсус тадқиқот учун қолдирайлик-да, мақсадга қайтсак.

Ўқувчи тарбиясини қандай омиллар белгилайди ва у қандай баҳоланади?

Миллий қадриятларимизга кўра ҳар бир бола тарбиясига етти маҳалла аҳли ҳисса қўшган, жавобгар бўлган. Зарурият туғилганида боланинг қанчалик тарбия кўрганлиги маҳаллакўйдан, қўшнилардан сўралган.

Ўзбекистон умумтаълим мактаби концепциясига кўра, "Шахс камолотида оила, мактаб ва жамоатчилик масъулдир". Шунга биноан, таълим муассасалари, хусусан мактабларда тарбияга ҳам таълим қатори ўқитишнинг пировард натижаси сифатида қаралади. Қайси ўқув фанлигидан қатъи назар, ҳар бир дарс режасида тарбиявий мақсадни алоҳида аниқ кўрсатиш талаб этилади. Шахс камолотига йўналтирувчи махсус "Одобнома", "Маънавият асослари" сингари предметлар ўқитилади. Демак, ўқувчининг шахс сифатида камол топишида барча фан ўқитувчилари камарбасталик қилади. Аммо, ўқувчи билимини баҳолашнинг меъёрий ҳужжатларида билим ва кўникмалар даражаси аниқ кўрсатилиб, шу асосда сифат ҳам талаб қилинса-да, ўқувчининг тарбияланганлик мезонлари берилмаган. Аммо ўқувчининг хулқи бирон-бир мезонсиз синф раҳбари томонидан — "қониқарли", "яхши", "намунали" сифатларда баҳоланмоқда. Шахс (субъ-ект)нинг тарбияланганлик даражаси(сифати)ни шахс (субъект) белгилаши ута мураккаб, қалтис ва тахминийдир. Дарҳақиқат, қандай ўқувчи одобли ёки беодоб ҳисобланади? Қандай хулқдан қаноат ҳосил қилса буладию, қандай хулқ соҳибини "намуна", "ибрат" дейиш мумкин деган саволларга аниқ жавоб бериш қийин. Чунки ўқувчининг билимига оид аъло баҳолари ҳам, унинг машғулотларга мунтазам қатнаши ҳам, бурро сўзлаши ёки мўмин-қобиллиги ҳам хулқ сифатини ифодалай олмайди. Тўғри, билим комилликнинг муҳим қирраси, поёнсиз уммондаги маёқ, тимсол, қоронғулик ичра онгимизни нурафшон этгувчи шам. Борлиқнинг сир-асрорларидан инкишоф этувчи тилсим.

Барча замонларда билимсизлик — жаҳолат, нодонликка эрк беради, маънавиятга, комилликка «суиқасд» қилади. Бироқ фанларни, хусусан, аниқ фанларни ўрганишга интилиш, мойиллик, осон яшаш учун қулайлик яратиш, ҳаёт қийинчиликларига чап бериш учун булиши ҳам мумкин-ку. Аксинча, билимга руҳий камолот воситасида қараб ўрганиш бошқачадир. Инчунун, ўқувчи билимининг аъло баҳоланиши хулқига кафолат эмас.

Шунингдек, шахснинг комилликка, табиий (ирсий) қувват негизида талпиниши билан "тиқилинчда мажбуран интилиш"и мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим. Биринчиси, шахснинг барқарор, тадрижий, ишонарли шаклланаётганини англатиб, у намунали хулқ аломати ҳисобланса, мажбурият остида, зўрма-зўраки шаклланаётган, иккинчиси айнишга мойил беқарор шахсдир.

Шахс ниҳоятда мураккаб биоижтимоий организмдир, у доимо ўзгаришда, ривожланишда, баъзиларида қисқа муддатли ўзгаришни пайқаш мумкин.

Тарбия билимдонликка ҳамоҳанг такомиллашиши ёки аксинча тарбия билимдонликдан орқада қолиши мумкин. Ҳарқалай, тарбия ўқувчининг ёши ва билимдонлигига мутаносиб бўлса, маънавиятга интилиш "қаноатланарли" ҳисобланиши мумкин.

"Намунали" хулққа лойиқ ўқувчининг билими арифметик прогрессия, маънавияти эса геометрик прогрессия бўйича ривожланади. Бундай ўқувчи жамиятдан фахрланади, айни вақтда жамиятга таъсир ҳам ўтказа олади. Яъни, намунавий хулқ эгаси жамиятдаги бидъатларга, бузуқ ва хато тушунча ҳамда қарашларга қарши чиқа оладиган, жўръатли, мустақил фикрга эга булади. У истиқлолимизга зид ҳар қандай нарсани рад қилиши, сохталик, адолатсизлик каби салбий ҳолатларга лоқайд бўлмаслиги билан ажралиб турмоғи шарт. Бундай ўқувчи (шахс) жамиятга наф келтирувчи ҳар қанча масъулиятдан қочмайди, бошқаларга "оғир" туюлган вазифаларни ҳам зиммасига олаверади.

Кейинги пайтда тарбия назариясида "педагогик генеология" деган тушунча кенг қўлланилмоқда. Бунга кўра конкрет шахс тарбиясига унинг эмпирик асоси(насл-насаби)ни билган ҳолда ёндашиш лозим. Инсон ўз аждодининг барча хислат, фазилатларини сақлайди, такомиллаштиради ва зурриёдига утказади. Бу жараён қисматда ҳам такрорланади. Зеро, хулқни баҳолашда насл-насаб, шажара назарда тутилмоғи зарур. Бинобарин, оила муҳити вояга етаётган боланинг феъл-атворини, қандай инсон бўлиб етишинини белгилайди, десак муболага бўлмас. Халқимиз ўзининг кўп йиллик тажрибасини умумлаштириб, "Қуш уясида кўрганини қилади" деган мақолни яратган.

Шахс хулқига баҳо беришда умуминсоний ва миллий қадриятларни мувозанатлай билиши керак. "Айтайлик, узбек халқига хос булган меҳмондустлик, ота-онани ҳурмат қилиш, мулойимлик, ибо, ҳаё, ўят, андиша, мулоҳазалик ва шунга ўхшаш хислатлар гарчи бошқа халқларда, шу жумладан, Ғарбдо халқларида учраса-да, лекин улар ўзбек халқида кучли ифодаланган ёки бошқа халқларнинг удумидан қандайдир бир томони билан фарқ қилади", деган фикрни илгари сураги файласуф олим Ҳайдар Алиқулов.

Демак, хулқни баҳолашда миллий менталитетни асло унутмаслик зарур. Менталитет микро, мезо, макро қамровлар бўйича фарқланиши мумкин. Чунончи, мактаб, маҳалла доирасидагина удум бўлган қадриятлар ва унга ҳамоҳанг бўлган ахлоқий сифатлар, воҳа, водий миқёсидаги қадриятлар негизидаги ахлоқий сифатлар ва ниҳоят, мамлакат ижтимоий ҳаётида устувор бўлган ўзбек миллатига хос қадриятлар негизидаги ахлоқий сифатларга алоҳида ёндашмоқ лозим.

Шахс улгайган сайин ундаги хислат ва фазилатлар ботиний-лашиб, маънавият сийрат қобиғига яшириб боради. Бинобарин, хулқни баҳолаш ҳам мураккаблаша боради. Фарзандим сийратидан кўра унинг ҳали мактабга бормаган фарзанди (неварам) сийратини осон кашф этишим сири шундамикан?

Психоаналитикларнинг таъкидлашича, ҳар бир инсон бири иккинчисидан фарқланадиган икки одамни мужассамлаштиради. Уларнинг бири ўша кишининг сийрати бўлса, иккинчиси сурати. Яъни, илғаб бўлмас шахсий фазилатлар уйғунлигидаги "мен" ва одамлар кўзига намоён қилинаётган фазилатлар уйғунлигидан иборат "мен". Зеро шахс ҳатти-ҳаракатларини зимдан кузатмай, унинг хулқига берилган баҳо сийратидан кўра суратини ифодалайди.

Ўқувчининг тарбияланганлик даражаси кишилар гуруҳидан, жамиятдан айри, ёлғиз-танҳоликда етарли намоён бўлмайди. Ўқувчининг синфдошлари даврасида, мактаб, ҳатто мактабларо тадбирларда ўзини қандай тутишини кузатиш зарур. Бунинг учун хулқни, айниқса намунали хулқ соҳибини аниқловчи шахс анчайин баркамол бўлмоғи лозим. Бунақа мураббий борми ёки ҳар томонлама етук, намунали ўқувчини шакллантириб булармикин? Бор бўлса, ўқувчининг хулқини қандай меъёр билан баҳолайди? Хуллас, савол устига савол туғилаверади. Комил инсон сиймоси шахс маънавиятини баҳолашга меъёр, ибрат бўлади.

Комиллик, инсониятнинг азалий орзуси ва армони ҳамдир. Ҳаёт моҳиятига теранроқ қаралса, бундан-да буюкроқ мақсад, орзу бўлмаса керак. Бинобарин, шахс комилликка интила бошлаган, ҳатто уни орзу қила бошлаган лаҳзаларданоқ ибрат бўла бошлайди. Сўнг узликни англаш, иймон-эътиқод қарор топиш босқичлари сари маънавиятнинг чексиз сифатларига бурканаверади.

Шахснинг маънавий дунёсини аниқлашга оид хилма-хил усул, воситалар мавжуд. Хорижда жиноятчининг ҳатто ботиний фикр, қарашларини аниқлайдиган воситалар яратилгани ҳақида шов-шувлар тарқалмоқда.

Психолог Эргаш Ғозиев ўқувчини ўрганиш учун "Кузатиш картаси" тавсия этади ва шу карта асосида ўқувчини ўзини-ўзи билиш, ўзини идрок қилиш, баҳолаш методлари ҳақида фикр юритади. Эҳтимол, уз-ўзини тўғри баҳолай олиш ўқувчининг маънавият сари қадам ташлаш аломати бўлиши мумкин. Аммо унинг барча ахлоқий сифатларини жамласак-да, асл маънавий дунёсини, сийратини аниқлай олмасак керак.

Шундай бўлгач, шахснинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш шартмикан? Ҳа, шарт. Ўқувчи билимини баҳолаш педагогик амалиётни бошқариш учун зарурият бўлганидек, тарбияланганликни аниқлаш ҳам шахс шаклланиши жараёнини бошқаришда муҳим бир тадбирдир. Яъни, устоз-мураббий шогирдининг қай жиҳатларини қандай йўналтириш мақбуллигини билиши учун шарт.

Таниқли файласуф Муҳаммаджон Имомназаров "Ахлоқ маънавиятга нисбатан сурат, ташқи жиҳат бўлса, одоб уз навбатида ахлоқий фазилатларнинг юзага чиқишидир. Шу сабабли инсонни англаб етиш одобдан ахлоққа, ахлоқдан маънавиятга қараб теранлашиб боради. Аммо шу билан бирга ахлоқ одобга нисбатан, маънавият эса ахлоққа нисбатан кенг қамровли моҳиятдир" дейди. Шу нуқтаи назардан ўқувчи қанчалик тарбияланганлигини унинг маънавиятга интилиши мазмунидан илғаш мумкин.

Маънавиятга интилиш мазмунан 3 босқичга бўлиб баҳоланган маъқул. Биринчи босқичи(1—4-синфлар)да "Одоб", иккинчи босқичи(5—7-синфлар)да "Ахлоқ" ва учинчи босқич(8—11-синфлар)да "Узликни англаш" даражалар бўйича баҳоланади. Ўз навбатида булар сифат жиҳатдан "қониқарли", "яхши", "намунали" меъёрларда қайд этилади. Таълим-тарбияда ўқувчи хулқидаги миқдор ва сифат ўзгаришларни тасаввур қилмай туриб, унга тарбиявий таъсир утказиш бамисоли беморнинг касаллик тарихидан бехабар муолажа қилиш ёки унинг қон гуруҳини билмай қон юбориш каби хатарлидир. Бинобарин, ўқувчи мактаб (1-синф)га қабул қилингандан эътиборан унинг хулқи ҳам билими сингари алоҳида баҳоланиши лозим.

Ўқувчи тарбиясига деярли барча устоз ҳисса қўшгач, унинг ахлоқини аниқлашда ҳам барча устоз-мураббий иштирок этмоғи ўз-ўзидан равшан. Бунинг учун бевосита дарс бераётган ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг хулқига шахсий муносабатини 100 баллик рейтинг бўйича ҳафтада бир марта синф журналига қайд қилиб боради. Синф раҳбари эса ўқитувчилар қўйган баҳоларни чорак бўйича жамлаб, ундан ўқувчи маънавиятининг рейтингини аниқлайди. Шунда "қониқарли", "яхши", "намунали" хулқ соҳиблари яққол намоён бўлади. Ўқувчи хулқини синф раҳбари баҳолашидек бир ёқламаликни ислоҳ қилиб, ўрнига бутун ўқитувчилар жамоасини жалб қилиш анчайин ижобий ҳодиса бўлур эди. Аммо ўқувчи хулқини демократия ва одамийлик тамойиллари бўйича баҳолашда мактаб жамоаси билан чекланиш ҳам кифоя эмас, бунга маҳалланинг эътиборли, ибратли кишилари, диний уламо ҳамда ўқувчилар жамоаси вакилларини ҳам жалб этиш лозим. Шунингдек, зарур ҳолларда тарбия(маънавият)ни баҳоловчи гуруҳлар таркибини саралаб турмоқ жоиз. Чунки, ножўя хатти-ҳаракати билан эл назаридан қолиб, ёшлар тарбиясини баҳолашдек юксак ишонч, масъулиятни оқлай олмаганлар баҳолаш жараёнини ҳиралаштиради.

Ўқувчи маънавиятининг рейтинг курсаткичи таълим муассасаси ҳисоботида ва муассаса аккредитациясида жамоа фаолиятининг натижаси сифатида аҳамият касб этади.

Билим қатори хулқ ҳам баҳоланаётгани ва шу баҳо туфайли жамоа муносабатининг ўзгаришини ҳис қилган ўқувчи барча хатти-ҳаракатига танқидий қараб, уз-ўзини тарбиялаб боради.

Хулқни баҳолаш тақозоси билан оила, мактаб, жамоатчиликнинг бола тарбиясидаги ҳамкорлиги кучаяди.

Янги ўқувчилар гуруҳи билан иш бошловчи ўқитувчи ёки синф раҳбар ҳар бир ўқувчи маънавиятига хос маълумотга таянади.

Ўқувчи маънавиятини баҳолашдек кўп қиррали бу ишларда адолат бузилмаслигига анъанавий "мактаб педагогика кенгаши" кафолат бўлолмаслиги мумкин. Шу боис турли жамоа вакилларидан таркиб топувчи кенг ваколатли "Мактаб кенгаши" фаолиятини жонлантириш зарур бўлади. Ўқувчи маънавиятини аниқлаш ҳамда баҳолаш ишларининг барчасига директорнинг маънавият ишлари бўйича муовини бошчилик қилади.

Таҳририятдан:

— Муҳтарам муштарий! Айтилганлардан ўқувчи маънавияти (хулқи)ни баҳолаш, унинг билимини баҳолашдан анчайин мураккаб, муҳим ва баҳс-мунозарага мойиллигини англагандирсиз? Мақолада миллий маънавиятни қайта тиклаш тақозоси ўлароқ ўқувчи маънавий камолотини баҳолаш масаласига умумий тенденция сифатида қараб чиқилди.

Зеро, ушбу масала бўйича билдирадиган фикрларингизни, муносабатингизни сизнинг ушбу долзарб вазифани бажаришдек, муҳим иш ҳақида қайғураётганингиз аломати дея қабул қиламиз.

Фаёз МУСАЕВ,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

ЯНГИЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ

Ўтган ҳафта якунида пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг учинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлар, касаба уюшмаларининг фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т.Алимов ўқиб эшиттирди.

Қурултойда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ўзининг бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Бинобарин, касаба уюшмалари фаолиятининг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти шубҳасиз, беқиёс.

Мамлакатимизда, хусусан, таълим соҳасида кечаётган чуқур ислоҳотларнинг мазмун моҳияти баркамол авлод тарбияси, буюк келажак яратиш эканлиги ҳам барчамизга аён. Бу эзгу мақсад ижобатида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси алоҳида ўрин тутади. Қоларверса, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасидаги ишлари аҳамиятлидир. Шуларни назарда тутган ҳолда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси А.Абдуғаниевдан мавжуд муаммолар ва режалар хусусида сўзлаб беришни сўрадик.

— Юртимизда тарих зарварақларига мангу муҳрланиб қолажак воқеалар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқдаки, у нафақат халқимиз, шунингдек, бутун жаҳон афкор оммасининг эътиборини тортмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, туб ислоҳотлар ҳамма соҳада бўлгани каби таълим, фан ва техника тараққиёти йўлида ҳам давом этяпти. Жумладан, Олий аттестация комиссияси, фан ва техника давлат қўмитаси, бир қатор нодавлат идоралари, жамоатчилик ташкилотлари, хайрия жамғармалари ташкил топди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўзининг III қурултойида бозор муносабати талабларига жавоб берадиган Ҳаракат дастурини қабул қилди. Бироқ уни ҳар бир касаба уюшмаси яна бир бор ўз соҳаларига мос равишда қайта кўриб чиқишлари ва ўз дастурларини яратишлари лозим. Касаба уюшмалари ҳал этиш лозим бўлган вазифалар кўп. Буни имкон қадар адо этиш учун, аввало, улар ўз инфраструктурасига, кучли моддий-техник базасига, шу жумладан пенсия, суғурта жамғармасига эга бўлишлари шарт. Аниқ вазифалардан бири касаба уюшмалари моддий-техник базасидан унумли, мақсадли фойдаланиш ва ўтиш даврида унинг тизимини ривожлантиришдир. Айрим касаба уюшмалари ҳанузга қадар ўз вазифаларини тўлиқ англаб етмаётгани, иш усулини эскича қолипда юритаётгани, ўз маблағларидан унумсиз фойдаланаётгани бор гап.

Бунга асосий сабаблардан бири чуқур билимли, тажрибали, малакали ходимлар етишмаётганлигидир. Бизда эса ҳанузгача малакали касаба уюшмаларининг кадрларини тайёрлаш механизми ишлаб чиқилмаган. Ахир, биз қандай муаммони ҳал этишга уринмайлик, қандай вазифани амалга оширмайлик, бунинг бош омили барибир кадрларга бориб тақалмоқда.

Касаба уюшмалари бевосита кадрлар тайёрловчи, ёш авлодга таълим-тарбия берувчи муассасалар билан чамбарчас боғлиқ.

Шу боис, юқори малакали кадрлар тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиш, уларни хизматига қараб жой-жойига қўйишни ҳал этиш керак. Бу бевосита ҳукуматимизнинг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ қилиш билан ҳам боғлиқ. Халқаро талаб даражасига жавоб берадиган ўқув марказини ташкил этиш таклифини ҳам кенгроқ ўйлаб кўриш керак. Ана шунда кўпгина муаммоларни бартараф этиш имкони пайдо бўлади.

Жамоат ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмаларининг нечоғлик аҳамиятли эканлиги, унинг давлат қонунларида, дастурларида акс этганлигидан ҳам билиш мумкин. Демак, касаба уюшмалари ходимлари ўз Раёсатларида долзарб бўлмаган масалалар билан машғул бўлмасдан, глобал масалаларни кўриб чиқишлари, жиддий таклиф-мулоҳазаларини билдиришлари керак. Касаба уюшмамиз олдида турган долзарб масалалардан бири — ёшлар билан ишлашдир. Бунга ҳеч вақт бефарқлик билан қараб бўлмайди. Касаба уюшмалар, вилоят кенгашлари ва қўмиталари қошида "Ёшлар муаммолари билан ишлаш комиссияси" тузишни режалаштираяпмиз. У комиссиялар сонини яна биттага кўпайтириш учун эмас, аниқ масалаларни амалий ҳал этиш учун тузилмоғи керак. Шу йил 6 апрелда Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари бир қатор масалалар билан бирга, энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак, деган масала устида алоҳида тўхталдилар. Миллий мафкура концепциясини тайёрлаш билан шуғулланадиган гуруҳга биз касаба уюшма қўмиталари бу соҳадаги ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришимиз ўринли бўлади.

Яна бир муаммо — шартнома асосида ўқиётган талабалар тўловлари хусусида. Албатта, бу масалада касаба уюшмалари имкон қадар кўмаклашмоқда, лекин уни ҳукумат ёрдамисиз тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Шу боис талабаларга процентсиз кредит бериш масаласини кўриб чиқишни лозим топдик. Соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси қурортлар бошқармаси, санаториялари ҳам ўқувчи ва талабалар соғлигини тиклаш муаммолари билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, касаба уюшмалари нашриёти ишларини тубдан яхшилаш мақсадида касаба уюшмалари нашриёт ва типографиясига эга бўлиш масаласини тез-орада ҳал этмоғимиз лозим.

Касаба уюшмамиз аъзоларининг мотивацияси, яъни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш учун маблағларни мақсадли йўналтириш ва тафтиш комиссиясининг ишини такомиллаштириш учун мазкур комиссия аъзолигига ушбу соҳадан яхши хабардор, малакали ходимларни тўғри танлаб олиш талаб қилинади.

Ф.КАРИМОВ ёзиб олди.

КУТУБХОНА — МАЪРИФАТ БЕШИГИ

Бугун халқимиз орасида китобхонлик қай даражада? Маърифат бешиги бўлмиш кутубхоналаримиз фаолияти қониқарлими? Бугун улар қай аҳволда?

Яқинда Тошкент шаҳридаги "Турон" кутубхонасида бўлиб ўтган машварат шу каби масалаларга бағишланди. Семинар-кенгашда Тошкент вилояти туманларида жойлашган кутубхона раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишда китоб ва унинг хусусияти, кенг халқ оммасини қай тарзда адабиётга, санъатга қизиқтириш борасида суҳбатлар билан бирга ҳар бир тумандаги кутубхоналар аҳволи билан танишилди.

Соғлом авлод йилида ўтказилиши керак бўлган тадбирлар белгиланиб, уларнинг жойларда ўтказилиши масалалари кўриб чиқилди.

Марғуба БОБОНАЗАРОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

САХОВАТ — КЎНГИЛ МУЛКИ

Яқинда Оҳангарон шаҳридаги саккизта ўрта мактаб ўқувчилари пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдилар. Шу мақсадда ҳомий корхоналардан "Оҳангарондон", "Оҳангарон рангли металлар", "Оҳангароншифер" акциядорлик жамиятларининг ҳар бири иккитадан, "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамияти эса бешта автобус ажратди.

— Ҳомий ташкилотларимиз ўғил-қизларимизнинг чуқур билим олишлари ва ҳар томонлама соғлом бўлиб камолга етишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар, — деди "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон туман қўмитаси раиси Баҳром Турдиев. — Хусусан, "Оҳангароншифер" акциядорлик жамияти шаҳардаги 1-мактабни таъмирлаш ишларига 1,5 миллион сўм, "Оҳангарондон" 2-мактаб учун 1 миллион сўм ажратган бўлса, "Оҳангарон рангли металлар" корхонаси 3-мактабга спорт зали барпо этишда кўмак берди. "Оҳангаронцемент" эса ушбу қурилишни цемент билан таъминлаб турди. Мактабларимизни 1999-2000 ўқув йилига тайёрлашда ҳомий корхоналар томонидан жами 8 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Яхшиликнинг қаноти бўлади, дейди халқимиз. Хайрли ташаббус тез ёйилиб, фермер хўжаликлари, кичик корхоналар ҳам ҳомий корхоналардан ибрат олиб ишга киришдилар. Хусусан, "Зиё ота" фермер хўжалиги ўтган йили тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 120 нафар фарзандига 400 минг сўмликдан зиёд дарслик ва ўқув анжомлари, мактаб формалари, кийим-кечаклар ҳадя қилди. Шунингдек, 43-мактабга қўшимча синф хоналари қуриб берди.

Бундан ташқари, "Авазхон" деҳқон-фермер хўжалиги томонидан "Ангрен" ширкат хўжалигидаги мактабга 6 та синф хонаси қуриб берилди. Қишлоқ кутубхонасига янги адабиётлар сотиб олиш, турли спорт тадбирлари уюштириш ишларига алоҳида маблағ ажратилди. Ангрен шаҳридаги меҳрибонлик уйи эса 4 тонна сабзавот маҳсулотлари билан таъминланди.

Юқоридаги ташаббусларни давом эттириб, Телов қишлоғи ҳудудидаги "Акромширмойнон" хусусий корхонаси хайрия ишлари учун 1 миллион 200 минг сўм маблағ ажратди. Хусусий корхона томонидан кам таъминланган оилаларнинг 18 нафар фарзандига суннат тўйлари ўтказилиб, бош-оёқ сарполар берилди.

«Туркистон-пресс»

Тошкент шаҳридаги 143-мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Мусаллам Нажимхўжаева бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия беради. У ўқувчиларга мустаҳкам билим бериш, улар дунёқарашини кенгайтириш, бойитиш мақсадида техника воситалари, кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланаётир.

Суратда: М.Нажимхўжаева 2-"А" синф ўқувчилари билан.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

2000 yil — Sog'lom avlod yili

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БОҒЧАДА

Соғлом авлодни тарбиялашда таълим ва тиббиёт ходимларининг ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишлари қувончли ютуқларга олиб келиши табиий. Бу соҳада пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 588-болалар боғчаси ходимлари билан 40-оилавий шифохона ходимларининг биргаликда олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Яқинда ҳамкорликда бўлиб ўтган "Болалар ва оналар соғлиғини муҳофаза қилиш" мавзуида савол-жавоб кечаси ҳам жуда фойдали бўлди. Тадбирда иштирок этган бош шифокор Дилбар Мирасловна сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Соғлом онадан соғлом бола туғилади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларни муҳофаза қилишга, айниқса бир ёшдан олти ёшгача бўлган ўсиш давридаги болаларга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Кичкинтойларнинг саломатлигига, жисмонан, маънан ва фикран ривожланишига катта аҳамият бериш биз, боғча ва тиббий ходимларнинг асосий вазифамиз ва бурчимиздир.

Учрашувда болаларда бот-бот учраб турадиган тиш оғриғи ва унинг олдини олиш ҳақида стоматолог М.Бўстонова тишни кунда икки марта тиш пастаси билан ювиш лозимлиги тўғрисида кўникма ва малакаларни ёшликдан шакллантириш, тишни емирилишидан асраш, милк касаллигининг олдини олиш, болалар йилда икки марта стоматолог кўригидан ўтиши кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, гинеколог Муҳайё Сайдалиева, дерматолог Н.Сангинова, ортопед Рустам Обидовлар соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келиши, ўғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам ёшликданоқ тиббий кўрикдан ўтишлари зарурлиги ва натижада касаллик аломатлари сезилса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиб муолажа олишлари лозимлиги ҳақида ўз йўналишлари бўйича фикр билдирдилар.

Шифокорлар учрашувда иштирок этган 276-мактаб ўқитувчилари ҳамда ота-оналарни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Д.ХЎЖАЕВА

ҲАММАСИ ҲАҚИДА ЭСЛАДИК

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика рассомлик коллежида буюк саркарда соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бош мутахассиси фалсафа фанлари доктори профессор Тошпўлат Тошлонов бобомиз Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигига асос солганлиги, маърифат ва маданиятни ривожлантириш, мамлакатда адолат ўрнатишдаги, халқнинг тинчтотув яшаши учун олиб борган ишлари ҳақида гапирди.

Коллежнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Гавҳар Норматова, маънавият ишлари бўйича директор муовини Ҳасан Аминовлар коллеж ўқувчиларини бобомиз Амир Темур васиятларига содиқ бўлишга, мамлакатимиз келажаги учун чуқур билим эгалари, етук мутахассислар бўлишга чақирдилар. Йиғилганларга Амир Темур ҳақида ёзилган адабиётлар хусусида маълумот бердилар.

**Сурайё ШАЙХО

Чидаб туролмадим, савоб учун бериладиган фотиҳани ҳам унутиб тўйхонани тарк этдим.

— Йигитларни айбситмайсизлар, келин элимизнинг олд қизларидан эди, қишлоқда изига тушиб юрганлар сони мингта.

Yangicha ish usuli

ФАОЛИЯТ ИСЛОҲОТИ

Таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширишга йўналтирилган қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларни мактаблар ҳаётига татбиқ этишда ўқитувчининг тутадиган ўрни каттадир. Муаллим ўз устида қанчалик сифатли ишласа, замонавий билимларни эгалласа, шунчалик кўп афзалликларга эришади. Наманган тумани халқ таълими бўлимида бу борада янги ташаббус қилинди. Бўлимда март ойининг бошидан буён ўқитувчиларнинг фанлар бўйича курслари фаолият курсатаяпти. Ҳар бир фан учун курс президенти сайланади. У машғулотларни бошқариб боради. Кузланган мақсад эса янги педагогик технологияларни оммалаштириш ва дарсларга олиб киришдан иборат.

Ҳозирга қадар 14 та фандан машғулотлар утказилди. Муаллимлар илғор иш услубларни тўплаб, таҳлил этишиб узаро тажриба алмашишяпти.

Шунингдек, фанлар бўйича юзага келган муаммолар ҳам узаро баҳслашувга сабаб бўляпти. Куриниб турибдики, курс машғулотлар малака ошириш борасида жуда кўл келаяпти. Муаллим мазкур курсга келганида унинг олдига мухтасар вазифалар қўйилади. Масалан, ДТС меъёрларининг бажарилиши, рейтинг талабларини таъминлаш, мониторингнинг олиб борилиши, боланинг дарсликлар билан таъминланишини назорат қилиш, ўқитувчининг қанча шогирд чиқариши, неча нафар ўқувчини олимпиадага тайёрлаши, дарс кузатиши кабилар муаллимга айрича масъулият юклайди. Ҳар ойда буладиган йиғинда бу вазифаларнинг қай тарзда бажарилаётгани ҳақида қисқа ҳисобот тингланади. Бундай саъй-ҳаракатлар, узўзидан, ўқитувчи фаолиятини ислоҳ қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Аваз ХАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ОРИЯТ

ЙЎҚ ЖОЙДА БОР ЖОЙДА

Тушликка келганимда кенжатой қизим ҳовлиқиб сўз бошлайди:

— Дада, сизга таклифнома ташлаб кетишди, ўқувчингиз экан, бормасангиз хафа бўлармиш.

Таклифномани олиб, кўз ташлайман — бахт тўйи, қишлоқда суннат тўйлари мавсумлашган, висол оқшомлари эса вақт танламайди.

Мана, гапимни олишадиган кишиларга қўшилиб ўтирибман. Куёв отасининг эҳтимол еган-ичганларидан тежаб олиб берган қора костюм-шим, келин бир кун фойдаланиш фалон пул турадиган оппоқ либосда даврани безашган. Даврабоши иззатини жойига қўйиб меҳмонларга табрик сўзи бераяпти. Ширин тилаклар билан куй-қўшиқ тўташиб кетади. Дастлаб қисиниб-қимтиниб бахт тўйи нишонланаётган ёшларнинг дўстлари, дугоналари майингина оҳангга рақс тушишади. Май дарёси оқавергани сайин куй-қўшиқдан маза, даврадан файз кўтарила бошлайди. Қўшиқчи йигит қаердандир нақдига гаплашиб келган зўраки "раққоса" уч-тўрт пиёла отиб олган шекилли, беўхшов қилиқлар кўрсатиб, эркини шаробга олдирган йигитларни жунбушга келтиради. Бир зумда чиройлигина давранинг тўс-тўполони чиқади, энди ким қандай рақс тушаяпти англаш мушкул, лабларга қистирилган сигаретларнинг чўғи липиллар, рақсдан кўра телба-тескари ҳаракатлар жиғингга тегарди. Астагина тўйхонани тарк этай десанг кимдир кўриб қолиши мумкин, қолаверса якунда яхши ният билан ёзилган дастурхонга бериладиган фотиҳага қўл очишинг керак. Тишимни-тишимга босиб ўтиравераман.

— Жонгинам, бир бўса бер.

— Шугина пулингизгами?

Юқоридаги сўзларни эшитиб, овоз чиққан томонга шарт ўгирилдим, "жинлар базми"дан фойдаланган "ишбилармон раққоса" бурчак-бурчакларидан пул теришга тушган, 35-40 ёшлардаги таниш, бола-чақали киши унга пул узатар, қўл чўзганидан олиб қочар, қучоқлашга уринар, бир тўда болалар эса ғарб кинофильмларига ўхшаш бу беҳаё манзарани кузатишарди. Ахийри "раққоса" "мухлис"ининг талабини бажариб пулга эга бўлди, "томошабинлар" қийқириб юборишди. Чидаб туролмадим, савоб учун бериладиган фотиҳани ҳам унутиб тўйхонани тарк этдим. Ажаб, биз нега бундай тубанлашиб кетаяпмиз, ҳаммаси ароқнинг ишими? Ўша киши сархушлиги (сархушмиди?) тарқагач, ўз қилмишини ақл тарозусидан ўтказиб изтироб чекармикин? Бўлар-бўлмасга қийшанглаб тепаётган ёшларчи? Билмадим, билмадим, фақат уят, ҳаё аталмиш инсоний фазилатлар ҳақида ўй суриб қайтдим.

Тўғри уят қонуни йўқ, аммо яқин-яқинларгача қишлоқларимизда шароб таъсирида даврага чиқиб ўйинга қўл кўтарган одам анчагача биров айтса-айтмаса юзи қизиб юрарди, пул сочишни эса яққа-ярим "семизликни кўтаролмаган"лар касб этишганди. Ҳозир эса...

Ma'naviyat mezoni

Талаба эдик, Сурхонга гуруҳдош дўстимизнинг бахт тўйига бордик. Хонадонда келинни олиб келиш тараддуди кўрилаяпти. Дўстимиз Шўрчи тумани марказида яшар, келин олис тоғ қишлоғидан.

— Сенга яқинроқдан қайлиқ топилмаганмиди, — севинчдан ишшайиб юрган дўстимизга ҳазиллашамиз.

— Нима қилай, кўнгил ишида...

Жўнаб кетдик, машина ўнгирлардан ошиб бораяпти.

— Ўзи тайёргарлик кўрдингизларми?

— Нимага?

— Сен тоғликларнинг одатини билмайсанда, паст кетсанг калтаклашдан ҳам қайтишмайди, йигитларга айт, маҳкам бўлишсин.

Ҳайрон қоламан, нима биз уришгани бораяпмизми, қариндош бўлмоқчимиз-ку, аммо, хавотирим ортади, бу ерларнинг одатини ким билсин. Хавотирим ўринли экан, келинникига етиб келганимизданоқ машинамизни важоҳатли йигитлар ўраб олишди:

— Куёв бўлмиш тушсин, бир кўриб қўяйлик.

— Кўчада қолган қизимиз бормиди?

Бир-иккитаси ҳатто чапаничасига гап қилишди, қарасак аҳвол анча жиддий, йигитларнинг нақ жанжал кўтаргиси бор.

— Нима бало, қизларини ўғирлаб кетаётганмидик, — зорланди кимдир. – Менку машинадан сираям тушмайман.

— Юрак борми, ёмонлик қилишса муштлашармиз, — далда беради бошқаси.

Хуллас, можарога қишлоқ оқсоқоллари аралашмаганида жанжал бўлиши турган гап эди.

— Тарқалинг йигитлар, яхши кўришгандан сўнг илож қанча. Қани тушинглар меҳмонлар.

Мўйсафид киши бизларни қўярда-қўймай машинадан чиқишга ундайди.

— Йигитларни айбситмайсизлар, келин элимизнинг олд қизларидан эди, қишлоқда изига тушиб юрганлар сон мингта. Сизлар уни олиб кетаяпсизлар, шунга озроқ хархаша қилишди-да.

Кейин билсак бу элда қизларни четга узатиш йўқ, йигитларнинг ориятн қўзғаган экан. Беихтиёр ҳозиргина кўзимга балонинг ўқидек кўринган йигитларга ҳурматим ортди...

... Бозор олдида бир ўсмир бир қизга нобоп гап қилди, қиз уятдан ҳўнграб йиғлади. Ажаб, йигит шу ерлик, қиз ҳам бегона эмас, ваҳоланки шилқимнинг шу қиз тенги синглиси, опалари, онаси бор эди...

Абдунаби АБДИЕВ
Қашқадарё вилояти,
Баҳористон тумани

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг кичик залида "Соғлом авлод" йилига бағишланган "Мактабдан ташқари таълим тажриба-синов майдонларида синов ишларининг ўтказилиш аҳволи ва уни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" мавзуида семинар-кенгаш булиб утди.

Икки кун давом этган кенгашда республикамизнинг турли вилоятларидан шунингдек пойтахтнинг кўпгина тугарак ва мактабларидан келган ўқитувчию раҳбар ходимлар иштирок этишди. Унда дастлаб Республика таълим маркази директори Гуландон Алимова мактабдан ташқари таълим тажриба-синов майдонларида синов ишларининг ўтказилиш аҳволи ва ҳар томонлама такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг айни пайтларда амалда татбиқ этилаётганини жойлардаги ибратга арзигулик ишлардан ва энг аввало тажриба-синов натижаларидан ҳам билишимиз мумкин.

Ушбу семинар-кенгашни ўтказишдан мақсад ҳам, юқорида айтганимиздек, мактабдан ташқари булган муассасаларда ўқувчи-ёшларга экологик, бадиий, эстетик сайёҳлик... йўналишлари буйича таълим-тарбия бериш ва энг асосийси миллий қадрият, мустақиллик, табиатни севиш, музей ва тугаракларни бевосита бирлаштириш борасида ўқувчиларга тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилгандир.

Семинар-кенгаш охирида вилоят ва туманлардан, пойтахтимиздаги кўпгина мактабдан ташқари муассасалардан ташриф буюрган меҳмонлар ўртасида узаро савол-жавоблар уюштирилиб, дастурни такомиллаштириш, ҳомий топиш ва шунингдек, ота-оналарга тушунтириш ишларини олиб бориш буйича узаро фикр алмашилди.

Беҳбуд БОТИРОВ

МАЙДОНДАГИ "ГИЛАМ"

Пойтахтимизда бунёд этилган Хотира майдони киши кўнглига ажиб туйғу солади. Инсон хотирасидан кўра муқаддас ва азиз туйғу бўлмаса ҳам керак.

Майдондаги гуллар гўзал юзга ярашган холдек.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг бош агрономи Назокат Исломова бизга шуларни маълум қилди:

— Айни пайтда 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ён-атрофдаги дов-дарахтларга шакл берилиб, янги кўчатлар ўтқазилаяпти. Ҳозирда бу ерда 3,5 гектарлик яшил майсазор мавжуд. Гул майдончалари олдин бошқача эди, ҳозир бутунлай ўзгартирилди. Ўн мингдан зиёд дарахт экилди, энг асосийси, ҳар доим яшил тус бериб турадиган мингдан ортиқ бута, эллик мингта рангоранг гуллар "гилам" шаклида кўкартирилди. Бундан ташқари, йўлаклар олдида ҳар ўн қадамда кўк арчалар қад ростлаб турибди. Пуркагичлар ёрдамида бу ердаги экинлар вақт-вақти билан сугорилмоқда.

Хотира ва Қадрлаш куни анъанага айланиб бораётир. Урушда шаҳид кетганларнинг ёди, фронт ортида меҳнат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётганлар олдида барчамиз қарздормиз.

Насриддин БОТИР,
"Маърифат" мухбири

ЭНГ ЯХШИ БОҒЧА ОПА

Тошкент шаҳридаги Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги 2-болалар мусиқа мактабида Собир Раҳимов тумани мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган 182, 248, 449, 551 ва 569-болалар боғчалари тарбиячилари "Ўзини таништириш", "Сиз боланинг тилини биласизми?", "Тарбиячи-санъаткор", "Педагогик маҳорат ва сиёсий савияни оширишга оид саволлар" ва эркин мавзу — "Мусиқа менинг ҳаётимда" сингари кўрик-танлов шартлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

"Yil tarbiyachisi — 2000"

Унда Гулчеҳра Хусанова (551-боғча) "Йил тарбиячиси" кўрик танловининг туман босқичи ғолиби бўлди. Наргиза Усмонова (248-боғча) энг билимли тарбиячи, Саҳоба Болтаева (569-боғча) энг зукко тарбиячи ва Ўлмасхон Жамилова (449-боғча) энг латофатли тарбиячи деб топилди.

Туман ҳокимияти, ТХТБ, "Маҳалла" жамғармалари танлов ғолибларига мукофот топширдилар.

Д.ХЎЖАЕВА

Суратда: *«Йил тарбиячиси» кўрик-танловидан лавҳа акс этган.*

М.ШАРИПОВА олган сурат.

Oila+ maktab+ mahalla

ЎҚИШНИ МАЖБУРИЯТ ЭМАС, ЭҲТИЁЖ ДЕБ БИЛИБ

Республикамиз мустақилликка эришиб, таълим тизимида ҳам кенг миқёсда ислоҳотларга киришилган бир пайтда муомалада қўлланила бошланган «Мактаб раҳбари ислоҳотларнинг энг фаол ижрочиси» деган иборанинг ҳақиқат эканлигига шубҳа йўқ. Буни кўплаб ўз касбининг фидойиси бўлган, тиниб-тинчимас, изланувчан мактаб раҳбарлари мисолида кўриш мумкин. Фикримизча, қуйида сизга таништирмоқчи бўлаётган инсон — Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги Фурқат номли 9-ўрта мактаб раҳбари, Халқ таълими аълочиси Умарқул Абдуллаев ҳам мана шундай директорлар сирасига киради.



Умарқул Абдуллаев 1976 йилда Сирдарё Давлат педагогика институтининг (ҳозирги ГулДУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатиб, мана шу 9-мактабда иш бошлаган эди. Унга устозлари Яхшилик Бектемиров, Келдиёр Шоматовлар ўқитувчиликдек сермашаққат, лекин шарафли касбнинг сир-асрорларини ўргатишди. Мактабда ишни болалар етакчилигидан бошлаган У. Абдуллаев икки йилдан буён мактабга раҳбарлик қилиб келмоқда. Мактаб тумандаги "Бахмал" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида жойлашган. Бевосита директорнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, мактаб билан хўжалик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўтган йили хўжалик томонидан мактаб тўлиқ қайта таъмирлаб берилди. Мактаб тарихида биринчи марта ўтган йили туман ўқитувчиларининг анъанавий август кенгаши намунали илм маскани сифатида шу ерда ўтказилди. Хўжалик ва мактаб алоқаларининг мустаҳкамлигини қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Сўнгги икки йилдан буён ўзаро шартнома асосида мактабга 40 гектардан ер берилади. Хўжалик юз фоиз бу ер учун ўғит, техникадан ёрдам беради.

Мактаб жамоасининг ўтган йили ердан олган даромади фақат мактаб эҳтиёжи учун, турли жиҳозларга, дарсликларга, моддий ёрдам ва стипендияларга, тадбирлар ва танловлар ғолиблари учун совғаларга харж этилди. Ҳар қалай, мактаб ўз пулига эга бўлди ва уни ўз эҳтиёжи учун бемалол сарфлаш имкониятини қўлга киритди. Мактаб спорт майдони эса ўзининг кўркамлиги ва жиҳозланишига кўра ҳозир туман мактаблари спорт майдонлари ичида энг яхшиси ҳисобланади. Ушбу имкониятлардан келиб чиққан ҳолда мактаб жамоаси ўқув-тарбия ишлари, спорт кўрсатгичлари ва бошқа натижалар бўйича ҳам туман мактаблари орасида юқори ўринни эгаллаб турибди.

Мактабнинг яхши кўрсаткичларга эришишида ўз навбатида ота-оналар ва маҳалла билан йўлга қўйилган ҳамкорлик қўл келмоқда. "Бахмаллик" маҳалла қўмитаси раиси, Халқ таълими аълочиси, шу мактабни ташкил этиб, унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган Яхшилик Бектемиров ҳамкорликдаги ҳар бир тадбирга бош-қош бўлиб турибди. Шу билан бирга мактаб "Ширин" болалар боғчаси билан ҳам ҳамжиҳатликда иш юритиб, бу ерда тайёрлов гуруҳи ташкил этган.

"Эришаётган ютуқларимиз, — дейди мактаб раҳбари Умарқул Абдуллаев, — аввало ўқитувчиларимизнинг фидойи меҳнатлари самарасидир. Ўйлайманки, мактабларда ишни асосан кадрлар ҳал қилади. Бугунги кунда мактабимизда меҳнат қилаётган 34 нафар ўқитувчининг ҳаммаси мутахассислар бўлиб, улар орасида олий тоифали ўқитувчиларимиз, "Халқ таълими аълочиси" нишондорлари бор. Мактабимизнинг бошланғич синф муаллимаси Ойсара Жиянмуродова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондоридир. Айни пайтда, мактабимизда ўқитувчилар етишмаслиги муаммоси йўқ. Ўтган йили педагогика институтлари билан шартнома тузиб, математика ва инглиз тили ўқитувчиларини ишга олиб келдик. Ўқитувчиларимиз учун яхши иш шароитларини яратиб бериш, уларни изланувчанликка, ижодкорликка илҳомлантириш ва ўқитувчилар кўмагида болалар қалбида илмга муҳаббат уйғотиш, улардаги тиришқоқликни тарбиялаш бизнинг вазифамиз. Биласизми, оддий ўқитувчиларимиз орасида жонкуяр, ўз касбининг устаси бўлган фидойи мураббийлар шунчалик кўпки, уларга озгина эътиборнинг, бир оғиз ширин сўзнинг ўзиёқ катта самара беради. Алалоқибат, уларнинг сабоқларини тинглаш, мактабга келиш болалар учун мажбурият эмас, аксинча, қувончли воқеага айланади".

Албатта, булар мустақил мамлакатимиз мактабларининг бирида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан бир дебоча, холос. Энг муҳими, юртимизнинг келажагини ўйлаб меҳнат қилаётган мана шундай фидойи инсонларнинг орамизда кўплиги, улар ниятларининг эзгулигидадир. Эзгу ниятларнинг эса, ижобати шубҳасиздир.

Икром БЎРИБОЕВ

Суратда:
Умарқул Абдуллаев дарс жараёнида.

ЕТМИШ ЁШИДА МАЛАКА ОШИРИШГА КЕЛГАН ДОМЛА

Аждодлар меросида қуйидаги манқибага тез-тез дуч келиб турамиз: "Болам, мен сенга подшоҳ бўлолмайсан деганим йўқ, одам бўлолмайсан, дегандим". Бу нақл бир неча бор такрорланса ҳам жумлага яширинган мазмуннинг ғоят аҳамиятлилиги боис эскириб қолмайди. Ва доимо оқил инсонлар олдида кўндаланг турадиган саволлардан бири ҳам шудир.

Қашқадарёнинг олис Баландчайла қишлоғи Каромат домланинг туғилиб ўсган жойидир. У мана шу яйлов, қир-ўнгирларда катта бўлган. Шунданми, табиатига ўша маволарнинг нафаси урган. Болалиги жуда оғир кечган. Икки акаси урушга кетиб, қайтмади. Ёлғиз онанинг қўлида ўсди, улғайди. Турмушнинг аччиқ дамларини кўп кўрди. Булар изсиз кетмади, юзлар бир оз сўлғиди, текис қошлари чимирилди...

Аммо ички қувноқлик, болаларча соф муносабат ҳаммасидан устун келди. Устига-устак ўқитувчи эмасми, ҳаётининг катта қисми беғубор олам билан бирга ўтди. Фақат эзгулик, фақат яхшилик, фақат илм билан яшаш кишига ҳузур бағишларкан. Айниқса, боланинг нигоҳидаги бокиралик, тиниқлик сенинг қалбингга кўчгани ҳамон сен ҳам шу оламнинг одамига айланиб қоларкансан. Қирқ бир йилдан бери мураббийлик қилиб келаётган Каромат ака билан мириқиб суҳбатлашаман десангиз, портфелини қўлтиқлаб жўнаб қолади, ўқувчиларини соғинади. Ҳа, у бошқа оламнинг одами-да.

Oramizdagi odamlar

Қамаши туманидаги ҳунар-касб коллежида умумижтимоий фанлардан дарс бериб келаётган Каромат ака Бердиев ҳамон тиниб-тинчимайди. Етмишни қоралаяпти. Яқинда уни А.Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида кўриб қолдим. Суҳбатимиз асносида дардини ёрди.

— Қирқ бир йил ичида бир соат ҳам дарс қолдирмадим, деб юрардим. Энди билсам, хато айтган эканман. Ўқитувчининг ҳар сонияси, ҳар бир хатти-ҳаракати тарбияга, дарсга йўналтирилган бўлиши керак экан. Ҳаётий тажрибамдан шуни англадим.

Тилимизда бирор одамга нисбат бераётганда, "фаннинг одами", "техниканинг одами", "физика одами" деган ибораларни ишлатиб қоламиз. Каромат ака Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг педагогика-психология факультетини тугаллаган, мутахассислиги ҳам шу доирада бўлган бўлса ҳам уни нафақат баландчайлаликлар, балки туман, вилоятда ҳам "одамнинг одами" деб аташади. Чунки у саъй-ҳаракатини ёш авлодга таълим-тарбия беришга, одам деган шарафли номга муносиб бўлишга бағишлаган.

Ўқитувчилик фаолияти давомида Каромат ака яна бир соҳани эгаллади. Қарши Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тугатиб, тарих фанидан мактабларда дарс берди. Ундан таълим олган ўқувчилар орасидан бир неча олимлар, раҳбар ва педагоглар етишиб чиқди. Шунинг баробарида оилада турмуш ўртоғи билан етти ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Ҳаммаси олий маълумотли касб эгалари бўлишди. Олам ва одамнинг одамини уйда ва мактабдаги ишларининг қай даражадалигини шундан билса бўлади.

Б. АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат" мухбири

Жаҳон профессионал боксида 27 жангда 27 ғалабага эришиб, шуҳрат қозониб келаётган В.Кличко чемпионлик камарини сақлаб қола олмади.

Боболар эксалар-биздан парвариш, Боболар қурсалар-безаш бизлардан.

ФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ

10 апрель куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Миллий Университет, "Камолот" жамғармаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси биргаликда Республика Олий ўқув юртлари талабалар театр-студияларининг "Ниҳол — 2000" театр санъати фестивали ўз ишини бошлади. Бу фестиваль 15 апрелгача давом этади.

Замон руҳи талаби асосида бошланган мазкур фестиваль ижодкорлик байрамига айланиши, шубҳасиз. Бу фестиваль натижалари ҳақида биз газетамизнинг кейинги сонларида хабар берамиз.

Насриддин БОТИР, "Маърифат" мухбири

САЛОМАТЛИК — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги ўқув муассасаларида ўқувчи ёшларнинг республика оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш учун муҳим восита сифатида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, ўқувчи-ёшларни спортга кўпроқ жалб этиш ва спорт турлари бўйича разряд нормативларини бажаришга эришиш, шунинг натижасида соҳадаги ютуқлар ва салоҳиятни ошириш мақсадида ўтказилаётган бу оммавий спорт мусобақалари май ойининг сўнггигача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ниҳоясига етади. Мусобақалар спортнинг ўн тури бўйича ўтказилади. Иштирок этувчилар эса 2,5 минг нафардан ортиқ. Уларга республика миқёсидаги спорт усталари ҳакамлик қилишади. Енгил атлетика бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган мусобақалар яхши натижаларни кўрсатди. 78 нафар иштирокчи енгил атлетиканинг 13 тури бўйича қиммат-баҳо совғалар ва ЎМКҲТМ нинг 1-ва 2-даражали дипломлари билан тақдирландилар. Кеча эса футбол бўйича Жиззах вилоятидаги мусобақалар ниҳоясини топди. Бугун Навоий вилоятида волейбол бўйича мусобақалар давом этади. Шунингдек, Самарқандда ҳам баскетбол мусобақалари бошланиб кетди. Шу тартибда оммавий спорт мусобақалари Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай мусобақалар Республикамизда биринчи марта ўтказилаётир. Бу тадбирга республика бюджетидан 19 миллион 336 минг сўмга яқин маблағ ажратилгани унинг қанчалик ҳукуматимиз диққат-эътиборида эканлигидан далолатдир. Ҳа, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши, ёшларнинг таълим-тарбияси ва ҳар томонлама камолотга муяссар бўлишидаги саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз озод ва фаровон ҳаётга, келажакка қўйилган пойдевордир.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби ўйингоҳида ўтган ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўқувчиларининг енгил атлетика бўйича биринчи республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақа дастурига кўра ўсмирлар 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 метрга югуриш, баландликка сакраш, граната улоқтириш, 400+300+200+100 метрга эстафета, қизлар 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 метрга югуриш, баландликка сакраш, граната улоқтириш, 400+300+200+100 метрга эстафета беллашувларида ғолиблик учун қизғин кураш олиб бордилар. Мусобақаларда 250 нафарга яқин ўқувчи қатнашди.

Республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри командалари ўртасидаги мусобақа якунларига кўра, Фарғона вилояти вакиллари энг юқори кўрсаткичга (8180 очко) эришиб, биринчи ўринни қўлга киритишди. Сирдарё (7644 очко) ва Самарқанд (7518 очко) вилояти енгил атлетикачилари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

Тошкент, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри командалари 4-6-ўринларни эгаллашди.

Мусобақада Хоразм, Навоий ва Жиззах вилоятлари вакиллари турнир жадвалининг 12-14-қаторидан жой олишди.

Енгил атлетиканинг 10 хил тури бўйича шахсий беллашуви ғолибларига даражали диплом, кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Совринли ўринлар соҳиблари ҳам дипломлар билан тақдирланишди.

F. МАННОПОВ

Динара Маҳсумова Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган "Чотқол" сиҳатгоҳида тиш шифокори бўлиб ишлайди. Ўз касбининг устаси Динара Маҳсумованинг хизматидан дам олувчилар миннатдор.

Ирина Есеновна Яқубова Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган "Чотқол" сиҳатгоҳининг тажрибали шифокорларидан ҳисобланади. Унинг жонкуярлиги туфайли жуда кўп дам олувчилар дардларидан халос бўлмоқдалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Xullas...

МУШУКДА АҚЛ ЙЎҚМИ?

Ҳайвонларда ақл ривожланмаган дейиш ҳақиқатга тўғри келадими ёки аксинча? Кўпчилигимиз биринчи фикрга ён босамиз. Лекин иккинчи таҳлилга ён босишга ундайдиган шундай ҳоллар бўладики...

Чика исмли мушукни симёгочдан тутиб олган аёл уни ўзи билан олиб кетиб, роса сийлади. Чика аёлга жуда ёқиб қолганидан гўшт, сут, хуллас, нима истаса муҳайё қилди. Аммо мушук тушмагур собиқ хўжайинининг меҳрибонликларини қўмсади шекилли, янги "қароргоҳ"ни ҳеч иккиланмай тарк этди.

Иккинчи марта Чика 40 километр наридаги қишлоққа адашиб кетиб қолди. Аммо тоғлар, боғлар оша йўл юрган, йўл юрса ҳам мул юрган Чика Уфадаги ўзининг қадрдон ғўшасини топиб келди.

Соҳиб эса мушукни кўриб, унга қучоқ очди.

Энди мулоҳаза қилиб кўринг, ўз маконини адашмасдан топиб келган мушукни ақлсиз, онгсиз деб айта оласизми?

ЭЧКИНИНГ "ХОББИ"СИ

Самаранинг эски шаҳар қисмидаги хонадонлардан бирида боқилаётган эчкининг озуқаси, тўғрироғи, "хобби"си сигарета. "Ё, астағфуриллоҳ, эчкиям чекарканми?" дея қўшнилар таажжубда. Эчкиси қурмагурга бу ярамас одатни, афтидан, уй эгаси "юқтирган" бўлса керак.

Қизиғи шундаки, Белка лақабли бу эчки сигаретани кашандалар сингари чекмайди, балки чайнаб ютади. Одам тугул ҳайвон ҳам нимагадир ружу қўйиб қолса, бундан ёмони йўқ.

ТАНГАЛАРДАН ҚЎНҒИРОҚ

Ўғри деганлари ибодатхонага ҳам тап тортмасдан кираверар экан. Ахир улар худодан қайтган бандалар-да...

Ибодатхона қўнғироғи йўқолиб қолгач, Николай Пшеничников танга йиғишга киришди, деб маълум қилинади "Молодость Сибири" газетаси. Қисқа вақт ичида Николай 20 та уч литрлик банкани тангаларга тўлдирди. Мис чақалар 700 кило тош босди. Қўнғироқ ясашга бемалол етади.

Ҳадемай қўнғироқ жаранглай бошласа, ажаб эмас. Аммо, рангли металл ўғрилари буни ҳам гумдон қилишмаса бўлгани...

ИНТЕРНЕТ "ЁРДАМ"ГА КЕЛАДИ

Бутун дунёда оилавий ажримлар кўпайса кўпаймоқдаки, камаймаяпти. Европа давлатларида судьялар никоҳни бекор қилиш ҳақидаги қоғозларни тўлдиришга улгурмаяптилар ҳам.

Оилавий можаролардан чарчаган эр-хотинларга интернет ёрдам бера бошлади. Британия оролида 6 фоиз ажрим ана шу усулда ҳал қилинди. Гап шундаки, Англиядаги мавжуд никоҳни бекор қилиш ҳақидаги қонунларга мувофиқ, даъвогар 400 фунт стерлинг тўлаши лозим бўлади. Интернет эса 7 баравар арзон ва тез ҳал қилади.

Ниятимиз — ушбу ахборот тармоғининг айнан ушбу хизматига бизда ҳожат бўлмасин.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

КАМАРНИ ТОПШИРДИ

Жаҳон профессионал боксида 27 жангда 27 ғалабага эришиб, шуҳрат қозониб келаётган В.Кличко чемпионлик камарини сақлаб қола олмади. У Барселона олимпиадаси кумуш медали соҳиби, америкалик К.Гоерд билан бўлган навбатдаги жангда биринчи бор мағлубият аламини татиб кўрди.

МАНА-МАН ДЕГАНЛАР КЕЛАДИ

16 апрель куни Шаҳрисабзда дунёнинг мана-ман деган полвонлари йиғилади. Бобомиз Амир Темур хотирасига бағишланган анъанавий кураш халқаро турнирида Россия, Туркия, Болгария, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Литва, Латвия сингари 20 дан зиёд давлат вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

ФАХРИЙ НОМЛИ АЁЛЛАР

АҚШлик Линдсей Девенпорт энг кучли аёл теннисчи деган фахрий ном ва совринни қўлга киритди. Энг кучли жуфтлик учун таъсис этилган бош мукофот гўзал ва мафтункор теннисчи аёллар — А.Курникова ҳамда М.Хингис хонимларга насиб этди.

БАҲС БАҲОСИ 2 млн. ДОЛЛАР

Шу йилнинг октябрь ойида жаҳон чемпиони Г.Каспаров тож даъвогари россиялик В.Крамник билан дона суради. Бу турнирнинг янги ва бош ҳомийси Англиянинг "Брейнгеймснетуорк" компанияси бўлиб, баҳс учун 2 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофот белгиланган.

ВАКИЛЛАРИМИЗ "ЮРИШ"ДА ДАВОМ ЭТАДИ

Пойтахтимиздаги муҳташам "Юнусобод" кортларида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Янги Зеландия теннис усталарининг баҳслари якунланди. Умумий натижаларга кўра вакилларимиз "Devis cup" турнирининг навбатдаги босқичига йўлланма олдилар.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Қўшработ туманида бир неча йилдан буён халқ маорифи аълочиси, ушбу соҳада 20 йилдан ортиқ фаолият кўрсатган устоз Қодир Худойбердиевнинг Хотира турнирини ўтказиш анъана тусига айланди. Турнир туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Бу йилги турнир «Урганжи» ижара хўжалигида ўтказилди. Турнирда турли касб ва ёшдаги одамлардан иборат 15 команда иштирок этди.

Икки босқичда ўтказилган бу мусобақада маҳаллалар бўйича «Урганжи» маҳалласи, ўқув масканлари бўйича Тепалик қишлоғидаги 4-ўрта мактаб жамоалари турнир ғолиби бўлишди.

Асрор БОЛИЕВ

ЭЪЛОН

Оммавий ахборот воситалари раҳбарияти ва журналистлар диққатига!

Ўз МУ журналистика факультети қошида қуйидаги йўналишларда журналистларни қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади:

1.Телекўрсатув ва радио эшиттиришлар
2.Газета ва журналлар
3.Оммавий алоқалар (пресс - центр ходимлари учун)
4.Оммавий ахборот воситаларида реклама санъати

Ўқиш муддати 1 ойдан 6 ойгача (тингловчиларнинг хоҳишлари бўйича)

Ўқув гуруҳлари аризалар тушиши билан ташкил этилади ва ўз ишини бошлайди.

Битирувчиларга тегишли ҳужжат берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 56-53-48, 56-72-09
Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади.
Бобур кўчаси, 9-уй, 3-қават, 85-, 70-а хоналар

ЎҚИТУВЧИЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ

Файзли хонадонда фаришталы ўғил-қизлар ўсиб-улғаядики, ўқитувчининг уларни маънавият чўққисига етаклаши осонлашади.

* * *

Маънавиятсиз инсон жоҳил бўлади, жоҳиллик дилкаш инсонларни ундан ийроқлаштиради.

* * *

Ўқувчисининг камситилишига йўл қўйишга ўқитувчининг ҳаққи йўқдир, баъзан шўр сувли денгиз тубида марварид ҳосил бўлишини унутмаслик керак.

* * *

Энг баланд тоғ чўққисига биринчи бўлиб қор учқунлари тушгани каби, ўз жамоасини тўғри йўлдан бошқариш машаққатини доимо қалбдан ҳис этган раҳбаргина ҳақиқий раҳбар ҳисобланади.

Асқар СУЛАЙМОНОВ, Сирғали туманидаги 237-ўрта мактаб раҳбари

Муҳтарам Ўғилой Юсупова!

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлар эканмиз, жамоамиздаги ибратли ишларингизда зафарлар, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Оилангиз бахтига соғ-саломат бўлинг.

РТМ умумий ўрта таълим бўлими жамоаси.

QUTLOV

Ҳурматли Акбар ҲАЙИТОВ!

Сизни 45 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Педагогик фаолиятингизда омадлар ёр бўлсин.

Челак туман халқ таълими бўлими, 35-мактаб жамоаси.

Ҳурматли Комил ЖУЛМАНОВ!

Сизни таваллуд кунингиз ҳамда педагогика соҳасидаги 20 йиллик фаолиятингиз билан табриклаб, жамоамиз раҳбари сифатида олиб бораётган ишларингизда омадлар тилаймиз.

Ҳамиша соғу саломат бўлинг.

Челак туман ХТБ жамоаси.

ТОНГ

Юксакка интилган тоғлар ортидан
Қуёш мўралайди бермай деб озор.
Қирларга тушади нурлари аста,
Майсани уйғотар кулиб беозор.

Қуёш ўз йўлида этади давом,
Парча оқ булут ҳам қуёшга ҳамроҳ.
Гўёки сирлашар икки дугона,
Мақсад бир куррани айланиб келмоқ.

* * *

Туни билан тинмади ёмғир,
Бир дард билан эзилди осмон.
Тўкиларди гўё жавоҳир,
Томчиларга айланган армон.

Насиба КАМОЛОВА, ўқитувчи

НИЛУФАР
(Халқона оҳангда)

— Оқсоқол, улнинг оёғини чатмадингизми? — деб сўради мулла Прим.

Оқсоқол айтди: — Кимнинг кўзи учиб турибди, мен билан қуда бўламан деб. Қолаверса, кимнинг бўсағасига "тикан" ташлашни билмай турибман.

Мулла Прим айтди: — Эй Оқсоқол, Даҳандаги Қаршибой шопирда бир қиз бор, қиз эмас, сувда ўйнайдиган қундуз, осмонда ёнадиган юлдуз бор. Ўшанга совчи юбор! Оқсоқол айтди: — Келиб-келиб менинг тенгим аравакаш бўлдими?

Мулла Прим айтди: — Ўша аравакаш 2-3 борганингда ўзига сени тенг қилса, худога шукр деғин. Унинг қизига тараф йўқ. Ишонмасанг, Шоирдан сўра!

Шоирдан сўради. Шоир айтди:
Тоғларнинг бошига бургут қўнади,
Тоғларнинг бағридан сувлар инади,
Ошиқлар тенгини топмай юради,
Десалар энг гўзал Ойбарчин, Лайли,
Улардан Қаршининг қизи чиройли.

Тикилса кўзидан тилсим ечилар,
Сўзласа оғзидан гавҳар сочилар,
Юрганда кавшига гуллар бош урар,
Қаторга ўн гўзал қўйинглар, майли,
Улардан Қаршининг қизи чиройли.

Сочлари елкада тўлғанар тошиб,
Каштага ўтирса ипаклар эшиб,
Одобли кийинар — кийим ярашиб.
Қаторга юз гўзал қўйинглар, майли,
Улардан Қаршининг қизи чиройли.

Гулга қомат берар юрса бўйлари,
Қирқ кокил елкада қамишдай бари,
Уни суюб урган жаннат ҳурлари,
Қаторга минг гўзал қўйинглар, майли
Улардан Қаршининг қизи чиройли.

Тўплансин ҳурлару малаклар бари,
Тўплансин жамики гуллар сарвари,
Малоҳат мулкининг тоза гуллари,
Ҳурлар ҳурлиқосин айтсинлар майли,
Ундан ҳам Қаршининг қизи чиройли!
Барибир Қаршининг қизи чиройли!

— Ўв Шоир, мақтовни роса келтирдинг. У қизнинг оти нима экан? — деб сўради Оқсоқол. Шоирнинг юраги "жиз" этди. Худди, қалбининг қуёшидан айрилгандек бўлди. Маҳзунгина "билмайман" деб қўйди.

Орол МУҲАММАД РАҲИМ, Ғузор тумани Қори Ниёзий номидаги 53-ўрта мактаб ўқитувчиси

Ko'ngil bitiklari

КУРАШДАН ИБОРАТ ҲАЁТ МАЗМУНИ

Курашдан иборат ҳаёт мазмуни,
Полвонлар курашиб забт этар дунё.
Донолар фикрга қарши фикр-ла
Курашиб улусни айлар маҳлиё.

Ўзбек, бугун кураш ўзлигинг учун,
Ўз шаънинг, ўз шонинг, ўз юртинг учун.
Бугун бор етарли асос-исботинг,
Жаҳонни лол этган аждодинг учун.

Улуғ аждодларинг довруғи билан
Ҳаволаниб юрмоқ-кибордир сенга.
Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ,
-Яратмоқ, яшнатмоқ-шиордир сенга!

Боболар эксалар-биздан парвариш,
Боболар қурсалар-безаш бизлардан.
Биттадан гул экиб яратсак гулзор,
Обод юрт қолгуси шояд бизлардан.

Абдувоҳид РАУПОВ, Тошкент шаҳридаги 251-мактаб раҳбари

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети бош ҳисоблаш маркази томонидан "Сувжиҳозгаз" узбекхитой қўшма корхонаси номита 01.06.1995 йилда берилган ҳужжалик субъектларини, корхона ва ташкилотларни давлат реактрига киритиш тўғрисидаги 000040 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 1-лицей-интернат томонидан 1999 йилда Жуманова Дилноза Бозоровна номита берилган O'R - A 543628 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси "Сиёсий - ижтимоий фанлар" кафедраси мудири, профессор Матбуа Аҳмедовага ўғли

АҲМЕДОВ Бобурнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб) Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Беҳбуд БОТИРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-287. Тиражи 37.728.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.